


Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎЗБЕКИСТОН—УКРАИНА:

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ



КУТИБ ОЛИШ МАРОСИМИ.

тасидаги, маънавий ва маданий алоқаларни ривожлантириш, хусусан илм-фан ва техника соҳасидаги ҳамкорлик фойда бериши.

Энг муҳими шундаки, жуда кўп одамларнинг меҳнати ва таърибисини натижа-сида тайёрланган бу муҳим давлатларaro шартномани амалга ошириш йўлида ҳеч қандай ғов йўқ. Ўзбекистон билан Украина ўртасида тенг ҳуқуқлилик, ҳалоллик ва ўзаро ҳурматга асосланган давлат алоқаларининг мустақам аниқланиши мав-жуд.

ШАРТНОМА имзо-ланган сўнг Президент Каримов муҳбирлар билан қисқача учрашув чоғида ўз-бек ва украин халқлари ўр-тасидаги муносабатлар ҳа-миша дўстлик ва ҳамжиҳат-лик қондаларига асослангани-ни таъкидлади. Юқорида айтганимиздек, бу сўзларда ҳам муболага йўқ — воқе-ликнинг эътирофи эътило-дир. Сафар чоғида Ўзбеки-стон раҳбарига олий марта-бали меҳмонларга хос ҳур-мат бажо келтирилди. Ук-раина ва украин халқининг Ўзбекистонга, ўзбек халқига самимий ҳурмати ҳар қа-дамда сезилиб турарди.

Ўзбекистон билан Укра-ина ўртасидаги дўстлик ва иқтисодий ҳамкорлигининг истиқболли пороқчилиги шуб-ҳа йўқ. Киев шаҳридаги уч-рашувдан чиқарилган асосий ҳулоаса шунки, иккала мам-лакат бир-бирига жуда зарур, бунга иккала томон ҳам ишонади. Қадим замонлар-дан ҳозирги пайтгача Ук-раина ва Ўзбекистон халқ-лари ҳаётида муштарак жи-ҳатлар кўп бўлган. Ўзе-бкстон билан Украина ўр-тасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик нақа-дар тез ва самарали ривож-лашмоқда, улар ўз мустақил-лигини шу қадар тез ва му-ваффақиятли мустақамлаш-оладилар. Бу ҳақиқатни Пре-зидент Ислам Каримов ҳам, Президент Леонид Кравчук ҳам яхши англаб олдилар.

И. ГРУШКО,
А. СИРОЖИДИНОВ,
М. ХУЖАЕВ,
ЎЗА махсус муҳбирлари.

● 25 август кунки Киев шаҳридаги Мария саро-йида икки мустақил республика — Ўзбекистон ва Украина ўртасида шартнома имзоланди. Прези-дентлар Ислам Каримов билан Леонид Кравчук ўзлари имзолаган ҳужжатлар, хусусида зўр мамну-нийат изҳор қилдилар. Бу шунчаки одоб юзасидан айтилган гап эмас: Ўзбекистон ва Украина давлат делегациялари ўртасидаги музокара натижалари кутилганидан зиёда бўлди, музокаралар самимий ҳамжиҳатлик муҳитида, амалий вазиятда ўтди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ мус-тақилликка эришган пайтдан буйи Ўзбекистон мустақил давлат сифатида кўпгина мамлакатлар билан шартномалар ва битимлар имзолади. Умуман бир би-тимни иккинчиси қисқаш, улардан бирини самарали-роқ, бошқасининг аҳамияти-кайроқ деб ҳисоблаш мум-кин эмас. Киевда гузлган шартномани ўзга давлатлар-ро ҳужжатларга қисқаш-май дадил айтиш мумкинки, бу шартнома икки давлат сиёсатида алоҳида ўрин ту-тади.

Биринчидан, Украина ҳам Ўзбекистон ҳам собиқ Итти-фоқ ҳудудида пайдо бўлган катта давлатлардир. Иккала мамлакат бир-бирини тенг ҳуқуқли ҳамкор деб ҳисоб-лайди, уларнинг ҳамкорли-ги янада мустақам жис-лашсининг гарови бўлиб қолганига, собиқ Иттифоқ-нинг парчаланиш натижаси-дан норози бўлаётган кучлар-нинг таъйиқига биргаликда қарши туриш имкониятини беришига ишонадилар.

Иккинчидан, иккала дав-лат халқларининг қадимий тарихи ва маданияти бор. Буюк маънавий қадриятлар-га эга бўлган бу халқлар қарама-қаршида турмуш қийин-чиликларини бир хил дара-жада бошдан кечирдилар. Шундай қилиб, яқин ўтмиш иккала халқни маънавий жи-ҳатдан яқинлаштишга олиб келди. Украин халқининг мустақиллик тўғрисидаги орауларни ўзбек халқининг орау-умидларига ҳамоҳанг-дир. Мамлакатларимиз ўр-тасида иқтисодий ёки ғой-вий йиғилишлар бўлмаган, аксинча собиқ Марказнинг зўравонлиги давридаги ҳа-ётда ҳам Ўзбекистон билан Украина бир-бирининг юки-ни енгилаштишга интилагани ва кўп ҳолларда бунга эриш-гани ҳозир равшан бўлиб қолди.

Учинчидан, мустақиллик туғайли яна бир ҳақиқат то-бора ойдинлашмоқда: Ук-раина — Европа давлати, Ўзбекистон эса — Осиё дав-лати, қўшни қўншалар миё-сида ўзаро қелинлашган сиё-сатин ўтказишга улар бир-бирларига жуда зарурлиги равшан бўлиб қолмоқда. Ук-раина Президентини Леонид Кравчук шу фикрини дунда ифодалади: Украина Ўзе-бкстон учун Европага ўта-диган дарвоза бўлишга тай-ёр. Ўз навбатида Президент Ислам Каримов Украинанинг Осиёга чиқиши учун Ўзе-бкстон ҳам дарвоза хизмати-ни ўташга тайёр, деб ишор-тирди.

Президентларнинг сўзла-рида заррача муболага йўқ. Украина давлатининг Қора деңиздаги ҳамма портлари Европада Ўзбекистонга келтириляётган юклар учун



Ҳужжатларни имзолаш пайти. (ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖОДКОР ЕШЛАРИНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚўЛЛАВ-ҚўВВЛАШ ЧОРАЛАРИ Тўғрисида

Билан биргаликда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 1993 йилнинг 1 сентябрга-ча бўлган муддат ичиди Ну-кус шаҳрида, барча вилоят марказларида республика ижодкор ешларининг энг муҳтоқ қисми учун 30 хона-ли, Тошкент шаҳрида эса 60 хонали уй-оқ биноларини лойиҳалаш ва қуришни таъ-минласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Ва-зирлар Маҳкамаси ана шу уйларидаги турар-жойларни тегишли ижодий уюшмалар ва илмий таъқиқотларнинг тавсиялари асосида бериш тартибини ўрнатсин.

Ўзбекистон Республикаси-нинг истиқболли белгилан-ган статистика давлат коми-тети ҳамда молия вазирлиги Қорақалпоғистон Респуб-ликасининг Вазирлар Кенгаши

имлонамалари учун Давлат билан халқаро ва республи-ка таъқиқотларининг қилини-рини моддий рағбатланти-риш, уларни қириш имти-ҳонларисиз ўз соҳаси бў-ла олий ўқув юртиларига қа-бул қилиш тўғрисида;

— Аълочи талабалар ва аспирантлар учун Ўзбеки-стоннинг атоқли фан ва ма-даният арбоблари шарифига юмол қўшимча стипендия-ларни таъсис этиш ҳақида;

— Ижодкор ешларнинг асарлари ва ишларини бо-сиқ чинарларини яхшилаш тўғрисида;

хизмат ҳақини тўлашда, жа-моат транспортини фойда-ланишда ижодкор ешлар учун имтиёзлар бериш ҳа-қида;

— Истеъодли ешларни чет элларга ўқиб ва малака ошириш учун юбориш тў-ғрисида.

3. Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси-нинг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги бош солиқ бош-қармаси 10 кун муддат ичи-да Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон ижодий уюшма-ларини асосий ишлаб чиқа-риш фаолияти бўйича со-лиқлардан озод қилиш ҳа-қида тақлифлар киритсин-лар.

4. Вазирлар Маҳкамаси 20 кун муддат ичиди ушбу фар-монни бажаришга оид таъ-қилли чора-тадбирларни таъ-минловчи қарор қабул қил-син.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 23 август.



Украина Республикаси Президентининг Фармони

И. А. КАРИМОВНИ УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЭХТИРОМ ФАХРИЙ НИШОНИ» БИЛАН МУКОФОТЛАШ Тўғрисида


Давлатларaro муносабатларни, Ўзбекистон ва Украина халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкор-лиқни ривожлантириш ҳамда мустақамлашдаги алоҳида хизматлари учун қарор қиламан:

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов Украина Президентининг «Эхтиром фохрий нишони» билан мукофотлансин.

Украина Президенти

Л. КРАВЧУК.

Киев шаҳри, 1992 йил 25 август.



СУРАТЛАРДА: 1. Украина Президентининг украин тилидаги фармони. 2. «Эхтиром фохрий нишони» Р. ШАГАЕВ олган суратлар. (ЎЗА).

Тўй МАСЛАҲАТИ

27 август оқшомида Рес-публика Президентини Ислам Каримов бошлиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари мамла-катимиз Мустақиллиги кун-да бағишланган байрам тантаналари ўтказилганда бў-либ, у ерда амалга ошири-ляётган ташкилий ишлар билан танишдилар.

Вир неча кундирки, рес-публикамизнинг бош майдо-ни байрам либосида — аъз-зо меҳмонлар, санъаткорлар учун ҳозирланган жойлар, саҳналар бенармлиги, тан-танаворлиги билан кўнглида завоқ ифтихор уйғотади.

Майдон марнанга ўйна-

тилган Мустақиллик рамзи — улкан ер кураеси бағри-да Ўзбекистон Республика-сининг худуди таъсири дунё харитасида навиқрон ва мар-дона давлат пайдо бўлгани-дан далолат бериб турибди. Нурафшон чироқлардан та-ралаётган камаланишга зид майдонини, теварак-атрофини ёдуга кўниб, артанамо руҳ ва фусун касб этади.

Республика Президентини ва унга ҳамроҳлик қилган ҳу-кумат раҳбарлари ана шу «Бог' орам» ижодкорлари билан учрашиб, зарур чора-тадбирлар ҳақида кенгашиб олдилар.

(ЎЗА).

САМИМИЙ ҚўТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йил-ли арафасида мустақил дав-лат бошлиғи И. А. Каримов номига давлат раҳбарлари-дан, таниқли жамоат ва сиё-сат арбобларидан табрик те-леграммалари келди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ

ЖАНОВИ ОЛИЙЛАРИГА

Тошкент

Муҳтарам Президент жа-ноблари!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йил-лиги муносабати билан сиз-га ва Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни ва Америка халқининг қўтлов-ларини зўр мамнунийат бил-ан йўллаيمان.

Республикамиз Муста-қиллигининг илк йилини ни-шонлаётган пайтда жаҳон ақли минтақаларининг қадим-ий ва бой тарихини яхши билиб олди ва унга ҳуқуқ эхтиром билан қарамоқда.

Америка халқи Ўзбеки-стон халқи билан биргаликда эркинлик, демократия, ин-сон ҳуқуқлари ва иқтисодий ислохотлар учун шарт-шар-оит яратишга қўмаклашгани-га таъбир, бинобарин ик-кала мамлакатимиз ўртаси-даги тағин ҳам мустақам ва кенг муносабатлар рив-ожланишига умид қиламан. Мамлакатимизга кўп йил-лар тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва озодлик ти-лайман.

Эхтиром, ҳурмат билан

ЖОРЖ БУШ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ОЛИЙ ЖАНОВЛАРИГА

Жаноб Президент! Ўзбекистон Республикаси-нинг миллий байрами муно-сабати билан Сиз олий жа-нобларини самимий табрик-лайман. Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Мамлакатларимиз ўртаси-даги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ривожлана-версин, мустақамлашавер-син.

Франция Республикаси-нинг Президенти Франсуа Миттеран.

Муҳтарам Ислам Абду-ганиевич!

Мустақиллигининг бир йил-лиги муносабати билан Сиз ва Сиз оралида бутун ўз-бек халқини Беларусь халқи номидан самимий табрик-лайман.

Республика Олий Кенгаши Мустақиллик тўғрисидаги декларацияни аълон қилган, Ўзбекистон демократия ва ўз тақдирини ўзи эркин бел-гилаш йўлига ўтди. Шу бил-ан давлатларимиз ва халқ-

ларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада рив-ожлантириш учун янги ис-тиқболлар очилди. Беларус-да бунга катта аҳамият бе-рилмоқда. Виз бундан буйи ҳам ана шу икки томонлама муносабатларни, шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳам-дўстлиги, халқаро ташқи-лотлар доирасидаги муноса-батларни ҳамкорлик, тинч-лик ва хавфсизлик манфаат-ларини қўлаб мустақамла-шга ҳаракат қила бера-миз.

Сизнинг демократик ҳу-қуқий давлат барпо этиш муддаонингизни самимий қў-лаб-қувватлаймиз. Ўзбек халқига Беларусь халқи но-мидан фаровонлик, бахт-сао-дат, эсон-омонлик ва му-ваффақиятлар тилаймиз.

Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати.

Муҳтарам Ислам Абду-ганиевич!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йил-лигини арафасида Сизни ва Ўзбекистоннинг кўп милли-онли халқини шу буюк мил-лий байрам билан самимий табриклаймиз.

Тақдир тақозаси билан меҳмондўст Ўзбекистон ва унга чегарадош давлатлар заминидида иккинчи ватанига эга бўлган корейс фуқарола-ри истиқомат жойидан қўчи-риб юборилганлар учун қи-яин дағдарда уларни қарин-дош-ўруғлардек ўз оиласига қабул қилган кишиларга ҳақиқат миннатдорлик бил-дирадилар.

Бошқа минтақаларда, ай-ниқса Ўзбекистонга қўшни минтақаларда юз берган во-қеалар республика раҳба-рини барқарорлиқни, Ўзе-бкстоннинг чинакам муста-қиллигини ва давлат истиқ-лолини сақлаб қолиш учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилатганини кўрсатади.

Республика меҳнатқашла-ри, шу жумладан корейс миллатига мансуб фуқаролар Ўзбекистоннинг БМТ ва бош-қа нуфузли халқаро таъқи-лотларга аъзо этиб қабул қилинганини, маҳондаги ўн-лаб мамлакатлар, жумладан КХДР ва Корея Республи-каси билан дипломатия му-носабатлари ўрнатилганини айни Сиз ўтказатган сиё-сатнинг натижаси деб бил-моқдалар.

Ҳорикий мамлакатларга давлат делегацияларининг таъширлари, Ўзбекистонга турли делегацияларнинг ке-лиши давлатимизнинг обрў-эътибори ошганлигидан да-лолат беришда.

Ўтган бир йил ичиди кўп иш қилинди, аммо тағин ҳам кўпроқ иш қилиш лозим бў-лади. Сизнинг раҳбарлиги-нигида Мустақил Ўзбекистон гуллаб-яшнаган фўллага айла-нишига ишонганимиз юксел.

Корейнинг Вирлашинига Қўмаклашув Халқаро Уюш-маси (КВХУ)нинг 85 минг аъзоси номидан П. КАН.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Кўни кеча вилоятимизнинг бир қатор шаҳар ва район-ларида Ўзбекистон Респуб-ликасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фаол иш-тирок этган нақилларига Мус-тақиллик кўни муносабати билан кўнраққа таъриладиган «Мустақиллик» эсдалик ни-шони ва илмий Ҳокимлиги-нинг Фахрий ёрлиқларини топшириш маросимлари бў-либ ўтди.

Янгиёул шаҳрида бўлиб ўтган байрамодди йиғилиши-ни шаҳар Ҳокими Ш. И. Каримов кириш сўзи билан очиб, мустақиллигининг тари-хий аҳамияти, уни мустақ-қамлаш борасида шаҳар меҳ-натқашлари олиб бораётган ишлар ҳақида тўхталиб Шундан сўнг Тошкент ви-

лоят Ҳокими С. Д. Сайда-лиев сўзлади. У йиғилиш-ларни шонли байрам — Мус-тақилликнинг бир йил-лиги билан чин қалбдан са-мимий табрикланди. У ша-ҳарнинг бир гуруҳ нақилла-ри — уруш ва меҳнат фах-рийлари, турли соҳа киши-ларидан 90 нафарига «Мус-тақиллик» эсдалик нишони-ни ва 65 кишига вилоят ҳо-кимлигининг Фахрий ёрлиқ-ларини топширди.

Мукофотларни топшириш маросимлари кеча шунинг-дек, Қўнраб, Қўни Чирчиқ, Янгиёул районидида ҳам бў-либ ўтди. Мукофотларни ви-лоят Ҳокими С. Д. Сайда-лиев топширди.

Т. ЕРҚУЛОВ.

1 СЕНТЯБРЬ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

«Ўзбекистон — Ватаним маним!»

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ва унинг раҳбарлари дастлабки кундан бошлаб бир қатор халқаро сиёсий масалаларни ҳал қилиш, мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан мустақиллаш билан чинакамгина шуғулланишларига тўғри келди. Бир йил ичида бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Мухбиримизнинг шу хусусдаги саволларига ҳуқуқшунослик фанлари доктори профессор Мирной ФАИЗИЕВ жавоб беради.

— Утган бир йил мобайнида мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати қандай олиб борилди. Шу ҳақдаги фикрингизни билмоқчи эдик.


— Маълумки, республика 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги тарихий Қонунидан сўнг ва 1992 йил 2 мартда республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таркибига тенгҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиниши билан ҳуқуқий жиҳатдан мустақил бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат сифатида жаҳоннинг 125 дан ортиқ мамлакатини тан олди. Эндиликда Ўзбекистон чет эл давлатлари билан беэсосита алоқалар қилмоқда. Ҳозир бундай давлатлар сон 45 тага етган, уларнинг ҳаммаси биз билан дипломатик ва консуллик, савдо вакиллари аяб-баша тўғрисида битим ва шартномалар туздилар.

Мустақиллигининг янги шароитида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг республиканинг халқро ишлардаги умумий йўли тарзида белгиланган лозим. Эндиликда ташқи сиёсат ёрдамида республикамизнинг бошқа давлатлар ва жаҳон халқлари билан муносабатлари унинг қоидалари ва мақсадларига мувофиқ бошқарилиб турилибди. Бу қоидалар ва мақсадлар турли воситалар ва усуллар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим воситаси дипломатия ҳисобланади. Яқинда «Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ҳодимлари учун дипломатия даражаси ва мартабаларини белгилаш тўғрисида» ва «Ўзбекистон республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошқаруш тартиби тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонуни билан дипломатия муносабатлари тўғрисидаги Бена конвенцияси ҳамда умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормаларга мувофиқ амалга оширилди.

Амалдаги асосий ва энг кўп тарқалган дипломатик усулларга қўйилган қоидалар: олиё даражадаги расмий ва бошқа ташрифлар ҳамда музокаралар. Буни биз Ўзбекистон Республикасини ташқи сиёсатда тобора бот-бот кузатиб турибмиз; Конгресслар, конференциялар, кенашлар ва учрашувлар, икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларини тайёрлаш ва имзолаш, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг органлари ишида қатнашиш, дипломатик ёшмалар, ҳужжатларни тайёрлаш.

Кейинги йилларда кўп томонлама дипломатия катта аҳамият касб эта бошлади. Ўзбекистонда дипломатия бутун халқ манфаатларига хизмат қила болади. У халқаро муносабатларнинг объектив ва субъектив омилларини амалда ҳар томонлама баҳолашда ва ҳисобга олмақда. Бу борада Президент И. А. Каримов ҳамда ташқи сиёсат маҳкамасида муҳим роль ўйнайдилар ва ўйнамоқдалар. Улар дипломатиянинг асосий мақсади байналмилалчилик принципини асосда мамлакатлар бирлиги ва инисипини мустақамлаш, босқинчилик янгиларига қарши, уруш ҳафсининг олдини олиш учун кураш, ҳуроросланишни мустақамлаш, тинч-тотув янаш қоида асосда давлатлар ўртасида ҳар томонлама ҳам-



— Ўзбекистон БМТ аъзоси сифатида ҳуқуқий нималарда акс этмоқда?

— Ўзбекистон БМТ аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ички ишларига аралашмаслиги, ўз ичига ва ташқи сиёсати масалаларини мустақил ҳал қилиш, бошқалар билан тинч-тотув, яхши қўшнилик сифатида янаш, ўзга халқлар таллаш бошқарув тизими ва шакллари ҳурмат қилиш мажбуриятларини олган ва уларга оғимий амал қилиб келмоқда. Мустақилликнинг ҳар қандай шакллари тугатилиш, қамситилиш ва айирмачилик сифатидан воз кечтиш, ирқи, жинси, тили ва динидан қатъий назар ҳамма учун бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга риоя этиш, халқаро мажбуриятларини бажариш ва уларни ҳурмат қилиш БМТ аъзолари учун мажбуриятдир.

— Сиз ташқи алоқаларга оид ҳуқуқлар тўғрисида ёзган бўлсангиз, Ўзбекистоннинг чет эл давлатлари билан беэсосита алоқаларга киришиш ҳуқуқини нималарда кўриш мумкин?

— Иттифоқ парчаланиши билан аҳвол ўзгарди. Социал республикаларда ва Ўзбекистонда давлат мустақиллиги тўғрисида қабул қилинган Қонунига мувофиқ ҳар қандай алоқалар ўрнатилган ҳуқуқий асосга эга бўлибди. Бундан буён мустақил Ўзбекистон чет эл инисипияларини амалга ошириш шартларини, инвесторлар ҳуқуқларини ўзи белгилamoқда, ўз конвенсия қилинадиган валюта ҳамгармасини нуқулга келтирmoқда, олтин ва бошқа захираларини, айирбошладиган валютани сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Яқинда дипломатик ва консуллик ҳуқуқлари соҳасида янги Қонуни қабул қилинганлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Қонуни билан дипломатик вакиллик асосий вазифалари ва бурчлари белгиланган бўлибди.

Дипломатик вакил консуллик вазифаларини амалга ошириши мумкин. Бунинг учун вакиллик тартибидеа консуллик бўлими ташкил қилинадиган. Дипломатик вакил ўзи турган мамлакат сиёсий вакили бўлиб, маданий ва ҳуқуқий ҳаёти тўғрисида ўз ҳукуматини хабардор қилиб туриши керак. У ўз мамлакатини, унинг фуқаролари ва ташкилотларини манфаатларини ҳимоя қилади. Дипломатик вакил ўзи турган давлатнинг қонунларини ҳурмат қилиши ва уларга риоя қилиши, унинг ички ишларига аралашмаслиги керак.

Қисқаси, утган бир йил ичида мустақил Ўзбекистон жаҳонга дадил ўз оҳидаси. Ташқи алоқалар, умуман халқаро ҳуқуқ соҳасида ҳали яна бир қатор қўну ақлари қабул қилиниши керак.

ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АВГУСТ КЕНГАШИ
Янгича руҳда ўтди

Авалдан аянчага айланган, ўқитувчиларнинг ҳар йили янги ўқув мавсуми бошланиши олдида ўқитувчиларнинг кенгашида кўп марта иштирок этганлар. Бундай кенгашларнинг бошқа шаҳар ва районларда қандай ўтказилиши билмадим-у, улар бизда — Пискенда баъзан икки кунула давом этади. Маърузабозлар эртдан кенгача қўнлар, гўё ҳар бир мактаб директорларининг сўзга чиқаришлари шартдек уларга кетма-кет наъбат бериладилар, залда эса кенгаш иштирокчилари тинглаб ўтиришга мажбур бўладилар. Халқ таълими соҳасининг ҳақиқий заҳматкашларини, бутун умрини ёш алод тарбиясига бахшида этган фидойи инсонларни унутувлар уларнинг ишларига бир-бир илқил гап айтиш кўпинча ҳеч қимнинг ҳаёлига келмасди.

Ўзбекистон Жумҳурияси мустақиллигининг бир йиллиги арафасида ўқитувчиларнинг бу талғи кенгашлари диёримизда

МАДАНИЙ ҲАЁТ
ЖАМИЯТНИНГ
САФИ
КЕНГАЙМОҚДА

АМИР Темур жамияти марказий бошқарушининг янгида бўлиб ўтган кенгашида бир қатор масалалар борасида фикр юритилди. Шу билан бирга кенгашда чет эл фуқароларининг ўшбу жамиятга аъзо бўлиш ҳақидаги аризалари ҳам кўриб чиқилди. Туркия Эмрлар бирлиги раиси муовини Мустафо Читин Бордор хорижий фуқаролардан биринчи бўлиб АМИР Темур жамиятига аъзо бўлиб кирди.

Ўшбу жамиятнинг кенгашида АМИР Темур номидаги наشريёт ҳам ташкил этилди. Нашриётнинг директори этиб ёзувчи, Абдулла Авлоний номидаги мукофот совриндори Акрам Аминов тайинланди.

Иброҳим ТОШЕВ, В. ЖҲРАЕВА.

МУСИҚА БАЙРАМИ

орасида Х. Кичимбоева, Л. Бондаренко, Ш. Тўхтабоева, Г. Давлатмуродова, Г. Ҳамроева, Ш. Тўреунов ва бошқа жуда кўп опера ва балет артистлари бор. Муסיқа кечасини ўйлаб спектакллари деярли ҳар қандай таъбир, классик санъат ишқибозларига танилган театр рассояни Т. Шорайимов бешатади. Бир кун олдин, 31 августда Алишер Навоий номидаги театр артистлари Мустақиллик майдоида ўтатган томошаларда иштирок эта-

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА

Шу кунларда биз узоқ-яқиндаги дўст, қадрдонлардан табриқномалар олмоқдамиз. Бу байрам арафасидаги мактублар бир вақтлар расм бўлиб кетган Май, Октябрь байрамларида келадиган расмий табриқларга ўхшайди. Чин юракдан чиққан бу сўзларда ҳақиқий дил изҳори, соддалик, самимият уфуриб турибди.

Очинг, мактубот кич — газетачилик ўзининг катта заҳматларига қарамай, шу касб билан шуғулланувчилар — қаламқашлар учун қувончли онлар бахш этади. Хар қандай ижод маҳсули сингари тайёр бўлган газетанинг ҳар бир сонини кўрганимизда, газетачилардан мактублар олганимизга ўз меҳнатининг катта қониқини ҳосил қилсан. Бундай қониқини ҳозир мустақиллик шабадасидан баҳра олаётган бир пайтимизда чуқурроқ ҳис қилмоқдамиз.

Ўзингизга маълумки, биз бир йилдан буён янгича шароитда ишлаймиз. Газетамиз ўз журналистлар жамоаси ва иллот ҳокимлиги муассислигида чиқаришмоқда. Маъна шу давр ичида Сиз — азиз газетачилар билан 200 мартадан зиёдроқ юз кўришдик. Озод Ўзбекистонимизда бўлгани каби пойтахт вилоятида ва унинг ҳар бир тўшасида, ҳар бир хонадонда қанчадан-қанча ўзгариш ва янгиликлар юз берди. Бугунги озодлик руҳи, ҳамма соҳаларда экин-экинлик иқтисодийдаги янгиликлар тақчилликлар, ҳаётий муаммолар албатта бар-тароф этилишига қатъий ишонч туғди-рмоқда.

Вақтинчалик қийинчиликлар мактубот ишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади, албатта. Лекин биз Сиз — азизларнинг маданийлигини, биз билан ҳамкору ҳамдардчилигини ҳис этиб турибмиз. Бизни вилоят ҳокимлиги қўлаб-қувватламоқда, жуда катта моддий ва маънавий ёрдам бермоқда. Ҳокимлик келгуси йилда яна газетанинг бирор со-ни ҳам қанда бўлмай чиқарилишини кафолатлади.

Ана шу моддий ёрдам туфайли ҳам биз Сизнинг олдингиздаги ўз бурчимизни бажаришга муваффақ бўлганимиз. Ҳозирги кунларда ҳам «Тошкент ҳақиқати» ўз обуначиларига ўтган йилги белгиланган баҳоларда етказиб берилмоқда. Бу баҳо газетанинг шу кунлардаги таърихидан ўн баравардан зиёдроқ арзондир. Республикада чиқётган (нафа-қат Ўзбекистонимизда, балки совиқ СССРнинг ҳамма республикаларида) кундалик газеталар, оммавий нашла-ринг нусхалари бир неча баравар ту-шиб кетган бир пайтда «Тошкент ҳа-қиқати» аввалги тиражияни сақлабна-а қолмай, ўз ўқувчилар сонини янча кў-пайтирди ҳам. Ҳозир газетамиз Ўзбек-стонда энг кўп нусхада тарқатилётган кундалик мактубот нашларидан бири-дир. Биз тиражизинингизга эмас, ил-ларидан синалган яхши аънавларинингиз ҳам сақлаб қолдик. Сизларга таниш ва манзур бўлиб келган руқиялар, саҳифа-лар ҳали ҳам чиқиб турибди. Таҳри-риятда ишловчиларини ушдан бирита қис-қартиришимизга тўғри келганлигига қара-май, узоқ йиллардан буён шакллан-


ган ижодий жамоани — асосий куч-ларини сақлаб қолдик. Лекин биз учун энг муҳими шуки, сиз, содиқ газетачи-лар биз билан бирга қолдингиз.

1993 йилда биз газетанинг мавзу ва мундарижа кўламини янада кенгайти-риш, ижодий изланишларини кучай-тиришга ҳаракат қилдик. «Тошкент ҳақиқати» аввалгидек, пойтахт вилояти ҳаётининг кўзгуси, меҳнаткашларнинг минбари, янгилик ва хушхабарлар да-рақиси бўлиб қолаверади. Халқчиллик, ҳаққонийлик ва воқеаларга ҳозиржа-воқиб — иш мезонини, биз риоя эта-диган қоидалар бўлади.

Янги обуна мавсуми бошланди. У ҳар қачонгидан ҳам қийин кечиниши сезиб турибмиз. Лекин ана шу мураккаб пал-лада ҳам газетамизнинг кўп сонли дўст-лари — деҳқончилик сановати мажмуи ҳодимлари, маорифчилар, ҳуқуқ-тар-гоб соҳасидаги кишилар, шаҳар ва рай-онлардаги маҳаллаларнинг фаоллари, ветеранлар бу мавсумда ҳам бизни қў-лаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирмоқдалар.

Биз фурсатдан фойдаланиб «Тошкент ҳақиқати»нинг барча муштарийларини улуғ айём — Мустақиллик байрамимиз билан чин дилдан табриқлаймиз. Қона-донингизга тинчлик, оқоинишга, ҳар бирингизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омилад йилимиз.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
ГАЗЕТАСИ ЖАМОАСИ.



МИННАТДОРМАН, МАМЛАКАТХОН!

Ҳурматли муҳаррир! Мен бир кеча шахсий пенсционер-ман. Узоқ йиллар давомида партия органларида ишла-дим. Партиядаги умумий ста-жим 40 йил. Ўзбекистон Халқ-демократик партияси аъзосиман. Кечагина менга ана шу ҳақдаги ҳуқуқномани уйимга олиб келиб бершдик. Моддий ёрдам ҳам кўрсати-шди. Минг раҳмат!

Сўнги йилларда бетобли-гим туфайли дом уйламан. Шундай пайтларда бирор ҳолингиз сўраб келса, катта мадад бўларкан. Тиббий ёр-дамга жуда муҳтож бўлиб қолганим. Шунда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳузуридаги саломатлик маркази раҳбари Мамлакат Мухамедова жо-нимга аро кирди. Даволаниш

учун икки марта касалхона-га жойлади. Ҳатто ўзи шах-сан келиб хабар олиб турди.

Менинг учун бу жуда катта муруват ва меҳрибон-лик эди. Барака топсин, Мамлакатхон. Менга маъна-вий қувват берди. Менинг шу самимий миннатдорчили-гимни газета орқали еткази-шингизни илтимос қиламан.

Мамлакатхон, раҳмат сиз-га қилим, умрингиз узоқ, ризангиз улуғ бўлсин. Ҳур-сиятдан фойдаланиб сизни мустақиллик байрами билан чин дилдан қутлайман.

Сизга чуқур ҳурмат билан: Махфўза

АБДУРАХМОНОВА,
Тошкент шаҳри, Шай-хонтоҳур райони, Яку-бовский кучаси, 32-уй.

ТОШКЕНТ. Илгари Ўз-бекистон тайёр ҳом ашё эт-казиб берувчи республика эди. Энди эса... «Ўзбексель-маш» заводига қишлоқ ҳў-жалигининг кўпгина соҳала-рига интисослашган «КИР-1,5» махшасини ишлаб чиқа-

рилайтир. Бу завод ишчи-ларнинг истиклолини бир йиллик тўйи арафасида деҳқонларга туҳфасидир.

Суратда: йиғув цехи, Ф. ҚҲРБОНБОВ (ЎАА) сурати.

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН
ПИРУ БАДАВЛАТ ОТАХОН

— АЛМАТ БОВО Чўли-боевнинг ёши саксондан ош-ган бўлса ҳам тиниб-тинчи-майди, маҳалла-кўйда марта-бас баянда, — деди менга меҳнат факхрийси Мавлон ака Акимов. — У киши шу ҳўжалиқни елкасида опичлаб катта қилганлардан бири. Айтгавсент, тарихи узун. Ҳа, оқимдан чиқазиб-ди, бобо яқинда Мактабгилло-ни эинэрт қилиб, ҳожи бў-либ қайтди.

Орадан бир неча кун ўт-гач, Т. Раҳимов номи жа-моа ҳўжалигига яна йўли-миш тушиб, ҳожи бувани кексалар, фарзандлари ва неваралари даврасида уч-раддик. Ниҳоят, пиру бадав-лат отахонининг суҳбатидан баҳраманд бўлиш насиб этди.

— 1908 йил Чимкент ви-лоятининг Шаробхона қи-логига туғилганим, — дея сўз бошлади оппоқ соқоли, нуруний бобо. — Бука рай-онига эса 1930 йилларда кў-чиб келганим. Бизнинг Ю-назар ва Давронбек деган боболаримиз бўлган. Дав-ронбек бободан Чўлибой ва Бўрибой дунёга келган. Бўрибой, амакимиз ҳаёт та-қоси билан ўю ерга келиб қолган. Азалдан ўзбеклар ҳо-жонроқ ҳўзоргидек ога-нин бўлиб яшашган. Ме-янинг бтам — Чўлибой Чим-кентдан уқасининг олдинга ўлар шу ерларда бирга шо-ли етиштириш ва қорам-ли-лик билан шуғулланишган. Қузда ҳосилин саранжомлаб олишганидан сўнг эса отам Чимкентга қайтарди. Лекин кейинчалик Ёвнанинг аҳоли-си ва шароити отамга маъ-

қул келиб, бу жойга кўчи-шга қарор қилдик. Районга келгач, дастлаб чигит экиб, пахта етиштирдик.

— Алмат бува ҳўжалик-на раис қилиб сайланди. Суҳбатин давом эттириб даврдада ўтирган Тўқчибой бува Акимов. Унга энг оғир йилларда ҳўжа-лиқни раис бўлишга тў-ғри келди. Ерлар ҳали ўз-лаштирилмаганидан шўрлаб кетган, паст-баланд тепалик-лардан иборат эди. Еринин заҳини қочириб, шўрини йўқотиш учун 108 та зовур қазинининг ўзи бўладими? Қишлоқларга сув келтириш, электр тоғи ўтказиш учун Алмат ога қанчалик елиб-югурганини биз, қариялар яхши биламиз. Йўллар, уй-лар, мактаб ва идора бино-ларини, ферма ишоотлари у каби заҳматкашларнинг пе-шоона тери эвазига бунёд бўлди...

Дарҳақиқат, Алмат бува қарийб чорак аср давомида ҳўжаликка раҳбарлик қилиб, ўзиндан яхши ном қолдирди. Умр йўлдоши Мухтор мо-мо билан бошидан кўп воқеа-ларни кечирди. Лекин ўа манфаатини ҳеч қачон қи-лоқ аҳли манфаатидан усту-н қўймади. Ажаб даврлар келди, эндиликда фарзандла-ри воқеа етиб, эл ҳўжамига бел бошлаган. Чол билан кампир уларнинг соисда қарилди таштини суриб юри-шибди. Тўғрич ўғли Эрму-

туллоҳни етти марта айла-ниб чиқдик. Дуненинг турли кекчаларидан келган турли миллат вакиллари билан то-ат-иодатда борган чоғлари-мизда Аллоҳ олдида ҳамма барабар эканлигини ҳис эт-дик.

Муқаддас ҳаж сафари пайтида Макка, Мадина, Ми-но шаҳарларида яшовчи одамларнинг ҳаёт тарзини кўриб жуда ҳайрон келди. Мени бир нараса ўзига жалб этди: 18 кун миёнида кў-чаларда бирорта миришоби учратмадик ёки ўғинлик со-дир бўганини эшитмадик. У ердаги одамларга бир-бирга ишонч, меҳр-оқибат кучли. Дўкондор бир ўзбек билан суҳбатда шу нарсани билдимки, Макка шаҳрида яшовчи ўзбеклар орасида камбағал ва ночор одамнинг ўзи йўқ экан. Уларнинг ҳўш-ҳўқлиғи, бир-бирига меҳр-муҳаббат билан инсоний му-носабатда бўлишлари, ўғир-лик, алдамчилик каби иллат-ларнинг йўқлиги ҳавасимни келтирди.

Биз улардан ибрат олсак бўлмайми? Қариган чо-ғимда ана шу саволлар кўн-глимдан кетмайдиган бўлиб қолди. Шўролар даврида кўпгина расм-русулларимизни, маъ-навий қадриятларимизни унутган эканмиз. Бахтимизга жумҳуриятимиз мустақил-ликка эришиб, елкамизга эрк офтоби теғди. Ана шу мус-тақиллик туфайли мен каби олдин фуқароларга муқаддас Қасбатуллоҳга бориш насиб этди...


Алмат Ҳожи бува яна узоқ ҳижон қилди. — Ишловда ўзбек ва ро-қоқ миллатлари кўпдан буён аҳил-иноқ илаҳатликлари мен кўнатилади, дейди у. — Ниятим бу икки буюк туркий миллат дўстлигига ҳеч қачон раҳна тутимасин. Тўғрилик, бирлик, ўзаро ҳур-мат, эътиқод бор жойда ин-сонлар бахтли ҳаёт кечира-дилар.

Хайралиев чоғида қўла-ридан меҳр ёғилиб турган Ҳожи бува дуога қўл очди: — Илоҳим алға, юртга тинчлик-омонлик берсин, юр-тимиз гуллаб-яшнасин. Ҳар бир мўмин-мусулмоннинг ди-лали имон, эътиқод устивор бўлсин.

Б. НАЗАРОВ,
Бука райони «Халқ оло-ни» рўзномасининг ходими.

● СУРАТДА: Алмат Ҳо-жи бобо Чўлибоев онла аъзолари даврасида Муста-қиллик байрамини шоду ҳур-рамлик билан кутиб олаётир. Суратни Ж. Умарқулов.

ПОЙТАХТИМИЗ БАЙРАМ АРАФАСИДА



Ўзбекистон Мустақиллиги байрами — умумхалқ шодоналиги ўтадиган кунлар Тошкентнинг мана шу майдон, боғ ва хиёбонлари оммавий халқ сайлгоҳларига айланади.

Ф. ҚУРБОНБОВЕВ суратлари. (ЎзА).



ТАВРИКНОМА
Янгийўл шаҳридаги 8-ўрта мактаб жамоаси ЯНГИЙЎЛ ШАХАР АВТОБУС ТАКСОМОТОР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИНИ Ўзбекистон Республикасининг МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ КУНИ билан ТАВРИКЛАЙДИ.

Биз ушбу корхона раҳбарияти, айниқса, корхона директори Жўра Соликович Раҳимовнинг мактабимизга кўрсатган раҳбарлик ва моддий ва маънавий ёрдамидан миннатдор эканлигимизни алоҳида таъкидлаймиз. Корхона жамоасининг халқимизга бегариз хизмат қилишдек савобли ишларига барака тилаймиз.

8-ЎРТА МАКТАБ ЖАМОАСИ.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Республика маънавий маданият тарғибот маркази аъзолари Чиноздаги Алишер Навоий номидаги жамоа аъзолари билан бир пиёла чой устида ширин суҳбат қўрдилар.

Марказ раҳбари Баҳром Тожибоев шундай деди: «Тарихий йўл халқ-у халқ эмас, ўз тарихин билмаган халқ у давлат эмас». Мустақилликка эришганимиздан кейингина ўзбек халқининг доғдур дунё бўйича таралди. Америка, Япония, Англия, Олмония ситари давлатлар қаторидан ўрин олган экинчи, энг аввало тарихимизни пухта ўрганишимиз ва тарғиб қилишимиз лозим.

Шунингдек физика-математика фанлари номзоди, халқ маорифи аълочили, таълим олим Фатхулло Зикриллаев «Миллий қадриятларини эътиборга олишнинг бурчимиздир» мавзусида маъруза қилди.

Сеҳрли бармоқлар соҳиб, экстрасенс кулгу устаси Раҳмонбек Исмолов, хонанда Шавкат Расулдовлар учрашув-суҳбатга фойда киритдилар.

Д. АХМЕДОВ.

* Янги ўқув йили билан юзма-юз

ИЛМ ҚАСРИГА ЙЎЛ

Янги ўқув йили бошланаяпти. Таътил тугаб, барча ўқув масканлари янада гавжум бўлиб қолди. Янги куч-ғайрат, шижоатга тўлган ўқувчилар қаддон мактабларига катта умидлар билан қадам қўйяптилар. Ҳўш, уларни ўз ўқув даргоҳларида қандай янгиликлар кутаяпти? Ўқув қўлланма ва дарсликларда қандай ўзгаришлар бор? Биз бу борадаги тайёргарликлар билан қизиқиб, «Ўқитувчи» нашриётининг директори Олим Исмоилович МИРЗАЕВ билан суҳбатлашдик.

— Олим ака, энг аввало, Сизни янги ўқув йили билан табриклайман! Маълумоти-гизим, баъзи дарсликларимиз ҳаётдан орқада қолмоқда. Қўлгина роғлар, матбуотлар, фикр-мулоҳазалар анча эскирган, уларни тубдан янгилаш зарур. Шу маъ-садни кўзда тутган ҳолда нашриёт янги ўқув йилига қандай янги китоблар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар чиқаради?

Байрам билан табрик-лаганимиз учун катта раҳ-мат! Кейинги беш-олти йил ичда нашриётимиз режа-лаштирган мактаб дарслик-ларининг ҳажмасини ўз вақ-тида чиқариб, халқимизга етказиб берадиган бўлиб қолди. Ҳозирги даврдаги туб ўз-гаришлар, қороз таъсирлиги, кундан-кун унинг нархи ошиб бораётгани, пулнинг қадриятининг шунчалар ўзгариши салбий таъсирини ўтказмоқда. Аммо бу тўсиқ-ликларни баҳона қилмай, қийинчиликларни илҳом бори-ча енгиб, энг шимариб ишлаш керак. Бу борада ҳуку-матимиз ҳам қўлдан келган ёрдамни аямалли. Барча йўлларини қидириб, босма-хона ҳодимлари билан ҳам-корликда иш юралайми.

Ўзбекистон мустақил-лигининг бир йиллик байрами-га биз ёш авлоднинг хурсанд қилиш ниятида 57 нумда 18 миллиондан ортиқ нусхада-ги мактаб дарсликларини ва

зикага доир китоблар бола-ларнинг ақлини яна ҳам чарқайди.

Миллатимизнинг келажа-ги фарзандларимизнинг илм савиясига боғлиқ. Улар қан-чалик билимли, сеҳрли, тар-бияли, меҳнатқаш бўлсалар, келажақ учун шунчалик ях-ши бўлади.

Давримизнинг туб ўз-гаришлари ишмига ўзининг сезиларли таъсирини ўтказаяпти, дедигиз. Ай-тингчи, ҳозирги бозор иқти-содининг шароитида нашриёт-нинг аҳоли қандай кечаял-ти?

— Эҳ, нимасини айтсам экан? Биринчи навбатда ҳаммага маълум — қороз муаммоси. Бу биргина биз-нинг эмас, бошқа нашриёт-ларнинг ҳам бошида бор. Мана шу биргина китобин қанча қийинчиликлар билан чоп этамиз. Уни асраш ма-саласи бизни хурсанд қила-диган даражада эмас. Қўча-ларини қараган, ҳамма ерда қороз... Наҳотки шунча меҳ-нат зое кетса? Ахир, ҳозир қороз нархи олдингидай ар-зон эмас-ку! Унинг бир тон-наси 56 минг сўм туради. Бу ҳам муқим нарх эмас, тобора ошиб бораётипти. Бир-дона китоб учун сарфлана-диган бир килограмм қороз-нинг нархи 56 сўм бўлади. Агар уни бошқа харажат би-лан бирга қўшиб ҳисоблас-сак, 200 сўмга тушади. Лекин халқимизнинг моддий аҳолисини назарга олган ҳол-да дарсликлар ўқувчиларга бепул берилаётган. Биз, но-ширлар эски замонларда ин-сонлар Қурбони Қаримни қанчалар муқаддас билиб-авайлаб, неча йилларга ет-казиб тутган бўлсалар, биз чиқараётган маъносини эскир-

майдиган китобларини ҳам шундай авайлашларини ис-тар эдик.

— Сўнгги анъанавий са-вол: йил охиригача яна қан-дай китоблар чоп этиш ния-тидасизлар?

— Йилнинг охиригача 1992—1993 ўқув йилига дарсликлардан 20 миллион нусха китоб чиқаришимиз керак. Бунинг ярми бу йил, қолгани келгуси йили чоп этилади. Ҳозир шулар усти-да иш олиб бораёмиш. Жум-ладан, 7-синф дарсликларин-нинг бир қисми ўзгариб. Бундан ташқари ўзбек классик адабиётининг қис-қа қисми, тилга доир луғат-лар чиқарилади. «Ўзбек халқ аналари», Абдулла Авловийнинг «Туркий ах-лоқ» (араб ва ирил ёзуви-да) китобларини ҳам чиқа-риш арабасидан.

Келгусида дунвий фан-лар дарсликларига хорижий мамлакатлардан китоблардан таржима қилиб киритишнинг мумкинлиги бўлади. Ба-зи-лар: таржима қилиш ке-рак эмас, дейишди. Меним-ча, химия, физика, матема-тика каби фанлардан ўқув китобларига олмон, фран-цуз дарсликларидан ҳам ян-гиликлар киритиш мумкин. Мана, бизда олмонларнинг химиядан дарслиги бор, у 10 йиллик меҳнат натижа-си. Ундан воз кечайликми? Ахир, булар аниқ фанлар, икки қара икки ҳамма ер-да турган! Ўқро-одат, этика, эстетика, тарих, адабиёт, ма-даният, биология каби фан-ларга келсак, сўзсиз, булар-ни шароитимизни назарда ту-тган ҳолда ўзимиз ярати-шимиз керак. Бир ердан ўр-нак олиб, бошқа ерга ўр-нак бўлмас. Шундангина дунё маданияти, фани ривожлана-ди.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун қатъи раҳмат! «Ўқ-итувчи» нашриёт жамоаси бу-ндан кейин ҳам давр тала-бига жавоб берадиган, юқо-ри савиядаги китоб-у дар-сликлар чиқаради деган умид-дан.

Суҳбатдош
Бариччи ЖУРАЕВА.

КИЧКИНТОЙЛАРГА МУНОСИБ ТУҲФА

ҚУТЛУФ АНЕМ арафаси-да пойтахтимизнинг «Чорсу» майдонига яшовчи кичкин-тойларимизга 46-қўриқли бошқармаси бонорларни қўлинг ўргилиши соғва — шинаи ва замонавий боғча-ни ҳади этдилар.

Карнай-сурнай наволари билан боғчанинг очилиш ма-росими бошланди. Маҳалла ақли номидан сўзга чиққан С. Пулатов тантанада қат-нашаётган қурилиш бошқар-маси раҳбари М. Шоюсупов,

Тошкент шаҳар Халқ таъ-лими бошқармаси бошлғи Х. Ўлдошев, Шайхонтоҳур район Хоними А. Миржали-лов ва шу район халқ таъ-лими бўлими мудири Ш. Да-шавларга қўлб ота-опа-лар номидан миннатдорчилик билдирди.

Тентдошларини табрик-лагани келган «Гулдаста» номи 567-боғчанинг мажси-кизлар дастаси бадий чи-қишлари билан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аб-


дулла Бозоров эса қўшиқла-ри билан ҳаммани хушуд этдилар.

Янги кунларда шу мавзе-да қад кўтарётган яна бир боғча кичкинтойларни ўз бағрига олади.

Ш. РУСТАМОВ.

Суратларда: байрам туҳ-фаси — 140 ўрилли боғча ағалари ихтиёрига топши-рилмоқда.

Суратларни Даврон АХМАД олган.

Душанба, 31. VIII
МАРҲАБО, МУСТАҚИЛЛИК
БАЙРАМИ

● УЗТВ I

7.00 «Ер ости бойликлари», «Фермерлар», «Наманган сеҳрларлари», «Ўзбектеле-фильм» премьералари.

8.05 Санъат усталарининг кон-церти.

8.45 «Ичкина деданг бизни...», Спорт кўрсатуви.

9.20 «Сўнгги таътил», Бадий фильм.

10.45 «Халқим», Адабий-муси-кий композиция.

11.10 «Ешлар» студияси кўрсат-тади. «Соринча».

11.50 «Футбол майдонларида», 12.30 Болалар учун. «Уйнай-анзу, қунайман».

13.05 «Учрашув», Адабий кўрсатуви.

17.50 Янгиликлар.

18.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИ-КАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА БАҲИШ-ЛАНГАН РЕПОРТАЖ. Тош-кентнинг Мустақиллик май-дондан олиб кўрсатилади.

22.00 «Мустақиллик йўлида», «Ўзбектелефильм» премье-раси.

22.10 «Ўзбекистон» ахбороти-нинг махсус сом.

● УЗТВ II

18.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИ-КАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

БИР ЙИЛЛИГИГА БАҲИШ-ЛАНГАН РЕПОРТАЖ. Тош-кентнинг Мустақиллик май-дондан олиб кўрсатилади.

● «ОРБИТА IV»
14.20, 17.20 — Кўрсатувлар тар-тиби.

5.00 «Янгулар», 5.45 «Тоғ», 8.00 Янгиликлар.

8.20 «Золушка ҳузурида бам-да».

9.20 «Учувчи Пирсингнинг терго-ви», Бадий фильм.

11.00 Янгиликлар.

14.00 Янгиликлар [сурдо тар-жимаси билан].

14.25 «Телевикс».

15.10 «Ён дафтар».

15.20 «Уолт Дисней таништира-ди...».

16.10 «Тинчлик марши» Европа йўлларида. Телефильм премьераси.

17.00 Янгиликлар [сурдо тар-жимаси билан].

17.25 Футбол шарҳи.

17.55 «НЭП».

18.25 Ойин жаҳонда биринчи марта. «Ошқик фарис», Бадий фильм [Грузия-фильм].

19.45 Хайрли тун, кичкинтой-лар!

20.00 Янгиликлар.

20.20 «Спорт уик-энди».

20.35 «Рус балети юлдузлари», Кўп серияли телевизион муси-кий фильм премьераси.

21.40 «Янги студия» таништира-ди. «Ёнги», Хужият-публи-цистик фильм.

22.45 Фикат катта ашдагилар учун. «Журналист терговни, Танасфус пайтида [23.00] — Янгиликлар.

Сешанба, 1. IX

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

● УЗТВ I ● УЗТВ II

СОАТ 9.00 ДАН 24.00 ГАЧА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

● УЗТВ I ● УЗТВ II

СОАТ 9.00 ДАН 24.00 ГАЧА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

● УЗТВ I ● УЗТВ II

СОАТ 9.00 ДАН 24.00 ГАЧА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

БИР ЙИЛЛИГИГА БАҲИШ-ЛАНГАН РЕПОРТАЖ. Тош-кентнинг Мустақиллик май-дондан олиб кўрсатилади.

● «ОРБИТА IV»
14.20, 17.20 — Кўрсатувлар тар-тиби.

5.00 Янгиликлар.

5.35 «Тоғ», 7.50 Эртабоним гимнастика.

8.00 Янгиликлар.

8.20 «Бойлар ҳам Янгилайди», Кўп серияли телевизион ба-дий фильм премьераси.

9.05 «Рус балети юлдузлари», Кўп серияли телевизион муси-кий фильм.

10.10 «Марина Цветаева хоти-раси», Тагандаги театрда хайрига кечаси.

11.00 Янгиликлар.

11.20 «Лўли», Телевизион ба-дий фильм, 1-серия.

14.00 Янгиликлар [сурдо тар-жимаси билан].

14.25 «Ишбилармонлар хабар-номаси».

14.40 «Адам Смит бойлиги дуниси».

15.10 «Ён дафтар».

15.20 «Уолт Дисней таништира-ди...».

16.10 «Салом, мактаб!», 16.40 Мультифильм.

17.00 Янгиликлар [сурдо тар-жимаси билан].

17.20 «Сибета» студияси намо-иш этади.

17.50 «Янги оюлар».

18.15 «Бойлар ҳам Янгилайди», Кўп серияли телевизион ба-дий фильм премьераси.

19.00 «Мавзу».

19.45 Хайрли тун, кичкинтой-лар!

20.00 Янгиликлар.

20.20 «Парик — Москва — Пе-кинг» автораллиси.

20.25 Билалар кунинг бағиш-ланган маърифат дам олиш кўрсатуви.

22.15 «Бир боқимда муҳаббат», 1-кун.

23.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.

7.20 Ишбилармон кишилар даври.

7.50 «Ҳақиқат онлари», 8.45 «Ишдан бўш пайтнингизда «Мушулар бизнинг дуст-чи».

9.00 «Русский» сўзи сифат турмушига кирди.

9.50 Кундузги сеанс. «Биринчи бор турмушга чиқиш».

Бадий фильм.

11.25 Трансроссфир. «Тверь ракурси».

12.00 Параллеллар. «Куйиб битган давр йўли».

12.15 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

13.00 Телевизион.

13.30 Тенис бўйича АҚШнинг очик чемпионати.

16.00 Мульти-пульти. «Сеҳр-ли олма».

16.10 Янгиликлар.

16.25 «Рост» студияси. «Тон-лабиринт».

16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.

17.30 Хабарлар.

17.45 Халқ раислари.

18.00 «Сергашини оила».

18.30 «Бир тоғчи сув учун».

19.00 Хабарлар.

19.20 «Қўшлар интиби».

20.05 «Фосфор халқаси».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Хабарлар.

21.20 «Музабба» таширф. Ба-дий фильм.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНА-
ЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ:
700000 ТОШКЕНТ, ГСП
ЛЕНИНГРАД
КУЧАСИ, 32.



Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ
ИШЛАР БУЛИМИ —
33-40-48.
ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖО-
РАТ БУЛИМИ — 33-99-15.

